

«УСУЛ АЛ-ФИҚҲ» ИЛМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF APPROACHES TO RESEARCH OF THE SCIENCE “USUL AL- FIQH”

АНАЛИЗ ПОДХОДОВ В ИССЛЕДОВАНИИ НАУКИ «УСУЛ АЛ-ФИҚҲ»

GAYBULLAYEV Saidahmadkhon
Samatkhonovich,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
PhD., Lecturer of the IRCICA chair for
Islamic history and source studies
e-mail: gaybullayev1989@mail.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2023/3/7

Аннотация: Мақолада ислом билимлари ривожланиб, бир неча мустақил соҳаларга бўлиниши натижасида ҳижрий II асрдан бошлаб мусулмон қонунчилиги – усул ал-фиқҳ ҳам алоҳида илм сифатида шаклланиб боргани ва мавзуларни таҳлил қилишда фарқли ёндашувлар юзага келгани тадқиқ қилинган.

Усулга оид илк асар ҳижрий II аср охирида Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий томонидан ёзилган бўлса-да, шаръий матнларни тушуниш ва ундан амалий-ҳуқуқий ҳукмлар олишнинг муайян тартиби, қиёс, носих-мансукх, саддуз-зароий каби қоидалари амалий ва назарий кўринишда мавжуд эди. Мазкур тартиб умумий тарзда саҳобаларга таълим берилган ва улар шогирдлари – тобеъинларга ўргатиб, амалиётда кўрсатиб беришган. Саҳобалар орасида саноқчилари Қуръон ва ҳадисдан ҳукм олишдек масъулиятли вазифани амалга оширар эдилар. Доктор Салоҳ Абулҳож қайд этишича, уларнинг сони 20 кишидан ортиқ эмас. Қуръон оятлари ва ҳадисларни маъносини билишнинг ўзи улардан ҳукм чиқариш учун етарли эмаслиги, улардан ҳукм чиқариш чуқур мантиқий таҳлил қилишга боғлиқ экани билан изоҳланади. Усул ал-фиқҳ мазкур мантиқий узвийликни ўргатувчи фан бўлиб, унинг қоидаларидан тўлиқ хабардор бўлиш, уларни бир бутунликда ўзаро таҳлил қила олиш малакасига эга бўлган саҳобалар энг ибратли даврда «фақиҳ саҳобалар» номи билан аталган.

Усул ал-фиқҳ илми ҳижрий IV-V (мил. X-XI) асргача ривожланиб, такомиллашиб борган ва унда бир-биридан фарқли асосларга эга иккита йўналиш шаклланган. Улар: Имом Шофиъийнинг усулий қарашлари асосида шаклланган ва калом илми уламолари томонидан ривожлантирилган – «мутакаллимлар йўналиши» (طريقة المتكلم) ҳамда Абу Ҳанифа томонидан асос солиниб,

ҳижрий IV-V (мил. X-XI) асрда яшаган ҳанафий фақиҳлари томонидан шакллантирилган ва тартибга солинган – «фақиҳлар йўналиши» (طريقة الفقهاء). Кейинчалик, ҳижрий VII (мил. XIII) асрга келиб мазкур икки йўналишнинг афзал томонларини бирлаштириш, орқали янги бир ёндашув – «мутааххирлар йўналиши» (طريقة المحققين) юзага келган.

Ушбу мақолада усул ал-фиқҳ илми тарихи, шаклланишига доир ёндашувлар тадқиқ қилинган ва қиёсий ўрганилган.

Annotation: In the article, as a result of the development of Islamic knowledge and its division into several independent fields, Muslim jurisprudence - usul al-fiqh has been formed as a separate science since the 2nd century AH, and different approaches to the analysis of topics have been researched.

Although the first work on usul al-fiqh was written by Muhammad ibn Idris al-Shafi'i at the end of the 2nd century A.H., understanding Shari'i texts and certain procedures for making practical legal judgments from them and rules such as "qiyas", "nasikh-mansukh", "sadduz-zaroi" existed in practical and theoretical form.

Companions were taught according to this procedure generally and they taught it to their students and showed them how to use it in practice. Among the Companions, only a few performed the responsible task of making judgments from the Qur'an and Hadith. According to Dr. Salah Abulhoj, their number was not more than 20 people. Knowing the meaning of Qur'anic verses and hadiths alone is not enough to make the judgement, making judgement depends on deep logical analysis. Usul al-fiqh is a science that teaches logical coherence, and the Companions who were fully aware of its rules and had the ability to analyze them as a whole were called «faqih Companions» in the most instructive period.

The science of usul al-fiqh developed and improved until the 4th-5th centuries A.H. (X-XI AD), and two directions with different bases were formed. They are: "direction of mutakallims" (طريقة المتكلم) – formed on the basis of the methodological views of Imam Shafi'i and developed by the scholars of the science of kalam and "direction of faqihs" (طريقة الفقهاء) – which was founded by Abu Hanifa, formed and organized by Hanafi faqihs who lived in the IV-V (X-XI AD) centuries A.H. Later, by the 7th century A.H. (XIII AD), a new direction – "the direction of scholars" (طريقة المحققين) – was created by combining the advantages of these two directions.

In this article, the history of the science of usul al-fiqh, the approaches to its formation are researched and comparatively studied.

Key words: theory of Islamic law, direction of mutakallims, direction of jurists, direction of scholars, qiyas, nasikh-mansukh, sad az-zaroi, qadi (judge), owners-taxrij.

Аннотация: В этой статье рассматривается факт, что мусульманская юриспруденция — усул ал-фиқх — формировалась как отдельная наука со II века хиджры, и за это время появились различные подходы к анализу тем. И первая работа по этому методу была написана Мухаммадом ибн Идрисом аш-Шафи́и в конце второго века хиджры, определены

процедуры и правила, такие как «насих-мансукх», «сад аз-зароиъ», «кияс», для понимания текстов шариата и разработки практических юридических законов, которые существовали на практике. Этому порядку, как правило, обучали сподвижников, а они обучали ему своих учеников и показывали им, как использовать его на практике. Среди сподвижников несколько человек получили суждения из Корана и хадисов, и, по словам доктора Салаха Абулхаджа, их число составляет не более 20 человек. Одного знания смысла аятов Корана и хадисов недостаточно, чтобы судить о них, оценка их зависит от глубокого логического анализа. Усул ал-фикх — это наука, которая учит логической последовательности, и сподвижники, которые были полностью осведомлены о ее правилах и обладали способностью анализировать их в целом, в самый поучительный период назывались «сподвижниками факиха».

Наука усул ал-фикх развивалась и совершенствовалась вплоть до IV-V веков хиджры (XI век н.э.), и в ней сформировались два направления с разными основаниями. Они таковы: сформированное на основе методологических взглядов имама Шафии и развитое учеными науки слова — «направление мутакаллимов» (طريقة المتكلم), и основанное Абу Ханифой, сформированное и организованное ханафитскими правововедами, жившими в IV-V вв. хиджры (X-XI вв.) «направление правоведов» (طريقة الفقهاء). Позже, к VII веку хиджры (XIII в.), путем объединения преимуществ этих двух направлений был создан новый подход — «направление ученых» (طريقة المحققين).

Ключевые слова: усул ал-фикх, направление мутакаллимов, направление факихов, направление мутааххиров, кияс, насих-мансукх, сад аз-зароиъ, қади (судья), асхабу-т-тахридж.

КИРИШ

Исломда усул ал-фикх қоидаларининг тизимлаштирилгани ушбу динда барча меъёрлар маълум бир тартиб ва ўлчовларга асосланганини кўрсатади. VIII-IX асрларда шаклланган мазҳаблар ва ҳанафийлик ҳуқуқ таълимоти қонун ишлаб чиқиш тизимини тадқиқ этишда усул ал-фикх илмини ўрганиш бўйича шаклланган йўналишлар ва ёндашувларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Дин билан боғлиқ илмлар орасида энг кўп мурожаат этиладигани бу — фикх бўлиб, у қонунчиликдан тортиб, одоб-ахлоқ меъёрларигача бўлган кенг қамровли мавзуларни ўз ичига олган. Фикх мавзулари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олгани сабабли уни ўрганишга бўлган эҳтиёж барча даврларда юқори бўлган.

Фикх (الفقه) -) арабча сўз бўлиб, луғатда — тушунмоқ, билмоқ, теран англамоқ маъноларини англатади, бу оддийгина тушуниш ёки англаш эмас,

балки маълум соҳани чуқур ва теран билиш, барча томонларини дақиқ идрок этиш, мазкур соҳанинг билимдони бўлишни англатади.

УСЛУБЛАР

Мақоланинг асосий мақсади — усул ал-фикх фан сифатида шаклланиш даврида олимларнинг ундаги мавзуларни таҳли этишда қўллаган ёндашувлари ва услубларини тадқиқ этиш. Вазифалар фаннинг тарихий шаклланиш босқичлари, унда шаклланган йўналишлар ва ҳар бир йўналишнинг ёндашувларини аниқлашдан иборат. Тадқиқотда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантикийлик, матнларни контент-анализ қилиш ва қиёслаш каби усуллардан фойдаланилган.

НАТИЖА

Фикх илмининг истилоҳий маъноси тарихан икки босқични босиб ўтган бўлиб, биринчи босқичда фикх исломнинг дастлабки даврларида диннинг барча кўрсатмаларини ўз ичига олган таълимот сифатида қаралган. Ушбу мазмундан келиб чиқиб, ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа (699-767) фикхга: «الفقه معرفة النفس ماله وما عليها» — ал-фикх маърифату-н-нафс ма лаҳа ва ма алайҳа» (Фикх — киши ўзига нима фойда-ю, нима зарар эканини билишидир) дея таъриф берган. Муслмон киши қайси бир иш унинг учун фойдали ва қайси бири зарарли эканини билиши фикх ҳисобланган. Мазкур таърифга кўра ақида, шаръий кўрсатмалар ва тасаввуф амалиётига оид илмлар ҳам фикх ҳисобланган. Қуйидаги ҳадис шу маънода келган:

عن معاوية بن أبي سفيان رضي الله عنهما قال: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ» (رواه البخاري)

Муовия ибн Абу Суфён разияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссаломнинг шундай деб айтганларини эшитдим: Аллоҳ кимга яхшилиқни истаса, уни динни теран тушунадиган қилиб қўяди». Имом Бухорий ривояти (Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, 1989:71).

Иккинчи даврга кўра, ҳижрий иккинчи асрдан ислом илмлари мустақил соҳаларга бўлина бошлади ва бу даврга келиб «фикх» инсоннинг амалий хатти-ҳаракатлари, уларнинг шариатдаги ҳуқуқий баҳосини ўрганувчи алоҳида фан сифатида шаклланди ҳамда ушбу фаннинг мутахассисларига «фақиҳ» номи қўлланадиган бўлди. Фикхга Муҳаммад ибн Идрис Шофий (767-820)нинг:

الْفَقْهُ عِلْمٌ بِالْأَحْكَامِ الشَّرْعِيَّةِ الْعَمَلِيَّةِ الْمُكْتَسَبَةِ مِنْ أَدْلَتِهَا التَّفْصِيلِيَّةِ
«Фикх — тафсилий далиллардан чиқариб

олинган шаръий-амалий ҳукмларни ўрганувчи илм» (Таҳонавий, 1996:1282), деган таърифи мазкур даврга хос бўлиб, ундаги «далиллар»дан шариатнинг манбаси бўлган Қуръон ва суннат назарда тутилган. «Ҳукмлар»дан банданинг хатти-ҳаракатига нисбатан шариатнинг берган ҳуқуқий баҳоси, «амалий»дан эса, эътиқодий бўлмаган амаллар кўзда тутилган. Зеро, мазкур даврда эътиқодий масалалар ақида ва калом номи билан ажралиб чиққан бошқа бир мустақил фаннинг мавзусига айланди.

XIX асрда бир қатор етакчи мусулмон олимлар томонидан тузилган «مجلة الاحكام العدلية» («Адлия, фуқоролик кодекси»)нинг биринчи моддаси фикҳ илми таърифига бағишланган бўлиб, унда: «Фикҳ – шаръий-амалий масалаларни далиллар асосида тўлиқ билиш», дейилган (Али Ҳайдар, 2003: 17). Машҳур мусулмон ҳуқуқшуноси доктор Мустафо Аҳмад Зарко ҳам фикҳга: «Исломдаги амалий ҳукмлар мажмуаси», деган соддагина таърифни қўллаган (Мустафо Зарко., 2004: 66).

Фикҳ – икки асосий қисм ёки йирик тармоққа бўлинади. Улар *أصول الفقه* – усул ал-фикҳ ва *فروع الفقه* – фуруъ ал-фикҳдир. «Фуруъ ал-фикҳ» инсоннинг амалий ҳаракатлари ва уларнинг шаръий-ҳуқуқий баҳоси – ҳукмини ўрганувчи соҳа бўлиб, қисқача қилиб, «фикҳ», «ислом ҳуқуқи» ва «мусулмон қонунчилиги» каби номлар қўлланган (Laleh Baxtiar, 2005:5), (as-Sadr, 2005: 7). Ислом ҳуқуқининг бошқа қонун тизимларидан фарқли томони унда нафақат шахслар ва давлатлар ўртасидаги муомалалар, балки инсоннинг Яратувчи билан муносабати ҳам тартибга солинган. Умуман олганда, фикҳни кишининг юриштириши, турмуш тарзи, ахлокига оид қонунлар мажмуаси дейиш мумкин. Ислом фикҳининг назарий қоидаларини ўрганувчи тармоғи эса, «Усул ал-фикҳ» бўлиб, у шариат манбалари: Китоб, суннат, ижмо ва қиёсдан инсон хатти-ҳаракатларига оид шаръий-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш қонуниятлари, йўл-йўриқларини ўрганади.

Темурийлар даври олими Саййид Шариф Журжоний (1340-1414) «Таърифот» (Таърифлар) асарида «усул ал-фикҳ» илмига: «هو العلم بالقواعد يتوصل بها الى الفقه» («Усул ал-фикҳ шаръий-амалий ҳукмларни аниқлашга олиб боровчи қоидалар илмидир»), дея соддагина таъриф берган (Журжоний, 1983: 26).

Абдурахмон ибн Қудума Макдисий (ваф. 682/1283 й.) «Равзат ан-нозир ва жаннат ал-мунозир» («Тадқиқотчининг боғи ва баҳс қилувчининг гулзори») асарида:

علم يدرس أدلة الفقه الإجمالية، وما يتوصل به إلى الأدلة، وطرق استنباط الأحكام الشرعية من أدلتها، والاجتهاد والاستدلال

«У фикҳнинг умумий далиллари, ҳукмларни аниқлашга олиб боровчи қоидаларни, шариат манбаларидан «истинбот» (қонун ишлаб чиқиш)

йўллари хамда «ижтиҳод» ва «мужтаҳид»лик чегараларини ўрганувчи фандир», дейди (Макдисий, 1998:52).

Ҳар иккала таърифда усул ал-фикҳ илми шариатнинг қонунлар ишлаб чиқиш тизими бўлиб, унда методлар, қоидалар, тартиблар ўрганилиши айтилмоқда. Таъкидлаш керакки, мусулмон олимлари шаръий матнлар: Китоб ва суннатдан тўғридан-тўғри ҳукм олинмаслиги, балки ўзига хос метод, тартиб, яъни усул ал-фикҳ қоидалари асосида ҳукм олиниши тўғри эканига иттифоқ қилишган. Мазкур қоидалар мазҳаб имомлари даврида деярли тўлиқ ишлаб чиқилган, кейинги икки аср давомида кам сонли тўлдиришлар билан китоб шаклида жамланган ва изоҳлаб берилган. Ҳижрий V (XI) асрга келиб кейинги давр фақиҳ (мусулмон ҳуқуқшунос) лари олдида мазкур қоидалар асосида жамият ҳаётидаги янги масалаларга ҳуқуқий баҳо бериш вазифасигина қолган эди. Зеро, унғача усул ал-фикҳ қоидалари тўлиқ ишлаб чиқилиб, китобларда ўз аксини топган эди (Абулҳож, 2017: 70).

Айни кунда жамиятда айрим кимсаларнинг Қуръон ва суннатдан тўғридан-тўғри ҳукм олишга ёки ҳукм олиш қоидаларини қайта ишлаб чиқишга уринмоқдалар. Уларнинг ушбу ҳаракатлари соҳа мутахассисларининг хулосалари, иттифоқ қилишган ҳақиқатлари ва мантиқ нуқтаи назаридан хато экани очиқ ойдиндир.

Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) «ал-Мустасфо мин илми-л-усул» («Усул илмидан аниқ маълумотлар») асарида илмларни уч тур: аниқ ва табиий фанлар каби ақлга таянган илмлар; тарих, ҳадис, тафсир каби нақлга, яъни, ишончли хабарга асосланган илмлар ҳамда ақлий-мантиқий қоидалар ва ҳам ишончли хабарларга асосланган илмларга бўлиб, учинчи тур ҳақида:

«اشرف العلوم ما ازدوج فيه العقل والسمع واصطحب فيه الرأي والشرع وعلم الفقه واصوله من هذا القبيل... وكان العلماء به ارفع العلماء مكانا واجلهم شأنًا واكثرهم اتباعا واعوانا»

«Илмлар орасида ақл ва ишончли хабарлар, теран фикр ва шаръий далиллар мажмуасидан тузилганлари энг афзалидир. Фикҳ ва усул ал-фикҳ илмлари ушбу турга мансуб бўлиб, соҳа мутахассислари юқори илмий савиялари, шогирд ва издошлари кўплиги билан жамиятда алоҳида мавқега эгадирлар» дейди.

Имом Ғаззолий ушбу фикрларини давом эттириб, *усул ал-фикҳ* калом, ҳадис, тафсир каби исломий билимлар билан бир қаторда мантиқ, тилшунослик, жамиятшунослик, тарих фанлари билан ҳам узвий боғлиқ эканини таъкидлайди (Ғаззолий, 2009: 9).

Усул ал-фикҳга берилган таърифлардан унинг мавзуси шаръий далиллар (Қуръон, суннат, ижмоъ

ва қиёс), вазифаси эса далиллардан амалий ҳукмлар (қонунлар) ишлаб чиқиш қоидалари ва асосларини ўрганиш экани маълум бўлади. Мазкур билим ва кўникмаларга эга бўлган олимларга *الأصولي* – «усулий олим» номи қўлланади ва бу ном умуман шариат ҳуқуқи билан шуғулланувчи «фақиҳ» номига қўшимча ёки ундан юқорироқ даража дейиш мумкин. Улар ижтимоий ҳаётда пайдо бўлаётган масалаларга усул ал-фикҳ қоидалари асосида шариатнинг ҳуқуқий баҳосини баён қилиш вазифасини бажарадилар, шунингдек, асрлар давомида шаръий қонунлар ишлаб чиқиш тизими ва унинг асосларини турли хатарлардан ҳимоя қиладилар (Зухайлий, 1999: 15).

Усул ал-фикҳга оид энг қадимий манба Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767-820)нинг «ар-Рисола» (Мактуб) асаридир. Шофиъийнинг Бағдоддаги дўсти Абдурахмон ибн Маҳдийдан келган илтимос мактуби мазкур асарни ёзилишига туртки бўлган. Хатда ёзилишича, ўша вақтда айрим кишилар томонидан Қуръон оятлари ва ҳадисларни нотўғри қўллаш, асоссиз шаръий ҳукм чиқариш ҳолатлари кўпайган. Шофиъийдан Қуръон маънолари, хабарларни қабул қилишдаги шартлар, ижмоънинг ҳужжат бўлиши, Қуръон ва суннатдаги носих-мансوخ масаласи ҳақида бир китоб ёзиб бериш илтимос қилинган эди. Шофиъий бу вақтгача Мадина ва Ироқ фикҳ мактабининг етук намояндаси Шайбоний (749-805) дан узоқ муддат таълим олиб, фақиҳ бўлиб етишган эди. Натижада Шофиъий хатга жавобан бир рисола ёзиб уни дўстига юборади (аш-Шофиъий, 1940:12).

Шофиъий усулга оид рисоласида Қуръоннинг асосий манба экани, фатво беришда Қуръон оятлари ва суннатнинг ифода ва маънолари турлари ва тарихий кетма-кетлигига эътибор бериш, ижмоънинг ҳуқуқий асос экани, саҳобанинг сўз ва амалига оид қоидалар, қиёснинг асослари, ижтиҳод ҳамда маслаҳа (инсон манфаатлари) каби масалаларни ёритиб берган эди. Муаллиф асарни 187/804 йилда Бағдоддан Маккага қайтиб келганидан сўнг ёзган. Кейинчалик 199/815 йил Мисрга кўчиб ўтгач, керакли қўшимчалар киритган ҳолда асарни қайта таълиф этган ва ушбу иккинчи нусха бугунги кунгача етиб келган (аш-Шофиъий, 1940:12).

Айтиш керакки, Шофиъий мазкур қоидаларни тўлиғича ўзи ижод қилган эмас, балки ўзигача шаклланган услублар ҳамда қоидаларни умумлаштириб, тартибга солган ва изоҳлаб берган. Шунинг учун, усулал-фикҳга бутун мусулмон олимларининг ижод маҳсули, деб қараш тўғри бўлади.

Ҳар бир жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар муайян нормалар билан тартибга солинган ва улар инсоният тарихида урфодат, диний

арбоблар қарорлари, давлат қонунлари сифатида юзага чиққан. Лекин мазкур нормаларни ишлаб чиқиш жараёни, тартиби, тамойиллари алоҳида шакллантирилмаган эди (Ganiyev, 2022:889). Илм-фан ривожланиши жараёнида мусулмон олимлари мазкур жиҳатга эътибор бериб, қонунларни ишлаб чиқиш тизимини – усулул фикҳ (ҳуқуқ назарияси) ни яратдилар ва у хижрий III (IX) аср бошига келиб биринчи марта Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий томонидан ёзма шаклда тартибга солинди.

Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий билан бир даврда Муҳаммад Шайбонийнинг яқин шогирди Исо ибн Аббон (ваф. 221/836 й.) томонидан ҳам усул ал-фикҳга оид бир неча асарлар ёзилган. Унинг «Китаб ал-ҳужаж ал-кабир», (Катта далиллар китоби) ва «Китаб ал-ҳужаж ас-сағир» (Кичик далиллар китоби) асарлари Ироқ фикҳ мактаби бўлган ҳанафийлик мазҳабининг Қуръон ва суннатдан ҳукм олиш усуллари изохлаш ва ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, ҳудуддан бошқа мазҳаб таълимотларини сиқиб чиқаришдаги омиллардан бири бўлди (Абулҳож, 2017:256). Аммо Исо ибн Абоннинг асарлари ҳозиргача сақланиб қолмаган бўлса-да, мазҳаб усулига оид бугунги кунда мавжуд асарларда унинг қарашлари тўлиқ сақланиб қолган ва бунда Абу Бакр Жассос (ваф. 3180/97 й.)нинг «ал-Фусул фи-л-усул» (Усулга оид фасллар) асари сабаб бўлган.

Ислом ҳуқуқидаги қонун ишлаб чиқиш тизими – усул ал-фикҳга оид ҳозиргача етиб келган энг қадимий манба Шофиъийнинг «ар-Рисола» асари бўлгани боис олим ушбу фаннинг асосчиси сифатида эътироф қилинган (Иброҳим., 2015: 10). Фахриддин Розий (1149-1209)нинг таъкидлашича, имом Шофиъийнинг усул илмига нисбати, Арастунинг мантиқ ҳамда Халил ибн Аҳмаднинг аруз илмига бўлган нисбати кабидир» (Хузарий, 1988:146). Таъкидлаш жоизки, Арасту (мил. ав. IV аср)дан олдин ҳам тафаккур қилиш ҳамда фикр юритиш тартибига оид муайян асослар мавжуд бўлган. Худди шунингдек Халил ибн Аҳмад (718-792)дан олдин ҳам шеър ёзишнинг муайян талаблари, тартиблари бор бўлгани каби шаръий матнларни тушуниш асослари ва методлари муайян даражада имом Шофиъийгача ҳам шаклланган эди (OYBEKOVICH, 2022:7).

Доктор Сабри Муҳаммад Муборак, Шофиъийнинг усул ал-фикҳга оид қўлланма ёзишига қуйидаги уч омил туртки бўлгани ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради:

- араб бўлмаган халқларнинг ислом динини қабул қилиши ва араблар билан ижтимоий аралашуви натижасида араб тили аслиятдан

узоқлашуви кузатилган. Бу эса асл араб тилидаги Куръон оятлари ва ҳадислар мазмунидан кўзланган мақсадни тушунишда муаммоларни келтириб чиқаради ва буни муайян қоидалар тизими орқали ҳал этиш эҳтиёжи пайдо бўлган;

- илмий доираларда шаръий-ҳуқуқий масалалар ечимларига оид баҳс-мунозаралар кўпайиши натижасида уларни тартибга солиш ва қарашларни баҳолаб берувчи қоидалар ва мезонларга эҳтиёж сезилган;

- даврнинг рисолат замонасидан йироқлашуви натижасида фақиҳлар олдида ҳадисларнинг зоҳирӣ маъноси билан ундан кўзланган мақсад орасини жамлаш ва муштарак мавзудаги ўзаро тафовутли далилларни мувофиқлаштириш муаммолари юзага келган.

Ислом ҳуқуқининг Шофиъийлик йўналиши назарий таълимоти Имом Шофиъий томонидан усулга оид «ар-Рисола» ва амалий-ҳуқуқий масалаларга оид «Китоб ал-Умм» («Масалалар асоси») асарларида деярли тўлиқ ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу тизим мустақил ёндашув тарзида унинг издошлари томонидан фақатгина мустаҳкамланиб борилган ва тўлдиришлар қилинган (Mukhamedov N., 2020:9).

Ҳанафийлик ҳуқуқи таълимоти назарий асослари Шофиъийлик мактабидан фарқли равишда мазҳаб асосчиси ёки унинг шогирдлари томонидан эмас, балки кейинги давр – ҳижрий V-VI (мел. X-XI) асрда яшаган ҳанафий фақиҳлари томонидан ишлаб чиқилган. Бунга сабаб мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифа Нўмон (699-767) ва унинг яқин шогирдлари Қози Абу Юсуф (731-798) ва Муҳаммад Шайбоний (749-805)лардан фақатгина фикҳнинг амалий масалалари – «фуруъ»га оид асарлар мерос бўлиб қолганидир. Хусусан, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг олти асари мажмуаси бўлган «Зоҳир ар-ривоя» («Устувор қарашлар») тўпламидаги фатволар мазҳабда устувор қарашлар сифатида баҳоланган бўлиб, уларда Абу Ҳанифанинг юзлаб фақиҳлардан иборат илмий мажлисида муҳокама қилинган ва ечими берилган масалалар жамланган. Тўпламдаги юз минглаб фатволар ҳамда кам сонли усулий қоидалар андоза сифатида таҳлил қилинган ва улардаги муштарак асос ва мезонларни аниқлаш, тартибга солиш орқали ҳанафийлик усул ал-фикҳи ишлаб чиқилган. Бу билан ҳанафий усулида фуруъ (амалий масалалар), усулни аниқлаб берувчилиги жиҳатидан устувор саналади. Усул ва фуруъ ўртасида зиддият топилса, фуруъ масаласи асос қилиб олиниб, усул қондасига истисно ёки қўшимча киритилган (Bardako'g'li, 2019:16).

Мазкур жараёнлар натижасида усул ал-фикҳ илмида мазҳабнинг фуруъ ҳукмларини

асослаш ва уларнинг тегишли далиллардан келиб чиқишини тушунтириш мақсадида шаклланган мустақил ёндашув ва Имом Шофиъийнинг усулий қарашлари асосида, калом илми қоидалари ҳамда шаръий матнларнинг умумий қонуниятига катта эътибор қаратган яна бир ёндашув шаклланди. Шофиъийлик йўналиши кейинчалик калом илми уламолари томонидан ривожлантирилгани сабаб – *طريقة المتكلم* (мутакаллимлар йўналиши) номи билан, ҳанафийлар йўналиши эса асосан фақиҳлар ижоди билан ривожлантирилгани сабаб – *طريقة الفقهاء* (фақиҳлар йўналиши) номи билан қайдланиб қолди (Kofi Ibrahim., 2012:14). Мутакаллимлар йўналиши гарчи имом Шофиъийга мансуб назарий йўналиш бўлса-да, кейинчалик калом илми уламолари фаолияти билан ривожлантирилган ва калом илмининг тадқиқот услублари билан бойитилган бўлиб, шаръий-ҳуқуқий аҳкомлар шофиъийлик мазҳабида мувофиқ келиши ёки келмаслигига аҳамият берилмаган. Балки далил ва ҳужжатлар матни, луғат, калом ва ақлий-мантикий қоидалар асосида таҳлил этилган (Зайдон, 1996:12). Моликий ва ҳанбалий мазҳаби фақиҳлари ҳам ушбу йўналиш услубига эргашиб, ўз асарларини «мутакаллимлар йўналиши»да ёзишгани ҳамда ушбу уч мазҳаб услублари бир-бирига бу жиҳатдан яқин бўлгани учун усул ал-фикҳда уларнинг далил ва фикрлари – (*دليل الجمهور*) Кўпчилик томон қараши ва (*أري الجمهور*) Кўпчилик томоннинг далили деган иборалар билан келтирилади (Шоший, 2003:7).

Усул ал-фикҳ фанининг асосий масалаларини тўлиқ қамраб олган фундаментал асарлар ҳижрий V-VI (мелодий X-XI) асрга келиб, фикҳий мазҳаблар тўлиқ шаклланиб, фуру адабиёти маълум етукликка эришганидан кейин таълиф этилган. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, орадан анча вақт ўтиб, «ар-Рисола» асарининг Имом Шофиъийга нисбат берилиши ва у зотнинг усул ал-фикҳ фанининг асосчиси экани ҳақида фикрлар баъзи тадқиқотчилар томонидан муҳокама қилинган (Makdisi, 2004:47). Усул ал-фикҳнинг алоҳида жанр сифатида пайдо бўлиши, таълим муассасалари, уларни қўллаб-қувватловчи вақфлар, устоз-шогирд муносабатлари бир бутунликни ташкил этган, шаръий-ҳуқуқий мазҳаблар такомиллашган IV/X асрнинг бошларига тўғри келади. Дастлаб усул ал-фикҳ асарларининг бир қисмида тегишли мазҳабнинг фуруъ масалалари ечимида мазҳаб томонидан дастак қилиб олинган далиллар ва усулларни тушунтириш орқали ички изчилликни очиб бериш маъносидаги «мазҳабпарварлик» ёндашуви яққол кўриниб туради. X асрдан замонавий давргача бўлган усул ал-фикҳ тўғрисидаги адабиётлар ҳукмрон тенденцияларга

урғу қаратгани ёки фандаги ривожланган назарияларни ўзида акс этгани ёки фикҳ, илоҳиёт ва фалсафа-мантиқ билан алоқадорлик даражасига кўра турли синфларга ажратиш мумкин.

Мутакаллимлар йўналишидаги энг эътиборли асарлар қаторига Абдулжаббор Мўътазиллийнинг (969-1025) «ал-Умда» («Асос»), Абул Ҳасан Муҳаммад Али Басрий (ваф. 436/1044 й.)нинг «ал-Мўътамад» («Таянч манба»), Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111)нинг «ал-Мустасфо» («Аниқ маълумотлар»), Фаҳруддин Розий (1149-1209)нинг «ал-Маҳсул» («Ҳосил маълумотлар»), Абул Ҳасан Омидий (1156–1233)нинг «ал-Иҳкам фи усул ал-аҳком» («Ҳукмга оид усулларни мустаҳкамлаш») асарларида Шофиъийлик усули назарий қоидалар билан мустаҳкамланган (11 :6891, (الزهيلي).

Фақиҳлар йўналишидаги муҳим асарлар қаторига Абу Бакр Жассос (ваф. 3180/97 й.)нинг «ал-Фусул фи-л-усул» (Усулга оид фасллар), Абу Зайд Дабусий (978-1038)нинг «Тақвим ал-адилла (Далилларни мустаҳкамлаш), Фаҳрул-ислом Али Паздавий (1009-1089)нинг «Усул» («Усулга оид китоб»), Шамсул-аймма Сарахсий (ваф. 1090 й.)нинг «Усул» («Усулга оид китоб»), Низомиддин Шошӣ (ваф. 600/1203 й.)нинг «Усул» («Усулга оид китоб»), Хусомиддин Аҳсикатий (ваф. 644/1247 й.)нинг «ал-Мунтахаб ал-Хусомия», Абул Баракот Насафӣ (ваф. 1310 й.)нинг «Манор ал-анвор» («Нурлар манзили») асарларини келтириш мумкин (Samatkhonovich, 2021).

МУҲОКАМА

Фақиҳлар усулида Самарқанд мактаби алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, унда мумтоз ҳанафӣ анъаналаридан кўра калом илми услубига ҳамоҳанглик яққол кузатилади. Мактаб қарашлари Абу Масур Мотуридий (ва.ф 944 й.)га мансуб бўлиб, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 1144 й.)нинг «Мизон ал-усул фи натоиж ал-уқул фи усул ал-фикҳ» («Ақллар топган натижалари бўйича усул илми мезони») ва Маҳмуд ибн Зайд Ломишӣ (441/1049-522/1128)нинг «Усул ал-фикҳ» асарларида ўз аксини тўлиқ топган. Мазкур манбаларда Абу Мансур Мотуридийнинг ҳанафӣ усул ал-фикҳига оид илмий меросига катта аҳмият қаратилган. Самарқандий асар муқаддимасида унга бири муфассал ва бири мухтасар шарҳ ёзганини айтган бўлса-да, ҳозиргача мухтасар шарҳигина етиб келган (4 :4891, (السرقتدي). Асарнинг XIII аср охирида кўчирилган иккита қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида 3143 ва 5881-рақамлар

билан сақланади (Брокелман К., 1989:289). Маҳмуд ибн Зайд Ломишӣ (441/1049-522/1128)нинг «Усул ал-фикҳ» асари нодир қўлёзмаси Марокашнинг Фас шаҳрида жойлашган «Қоровийн» кутубхонасида 633-рақам остида сақланади. Мазкур манба 156 саҳифадан иборат бўлиб, 762/1361 йилда Малик Ваҳҳоб томонидан кўчирилган ва халифа кутубхонасига вақф қилинган. Асар замонавий нашри Абдулмажид Туркий томонидан 1995 йил амалга оширилган (51 :5991, (اللامشي).

XIII асрдан кейинги даврда ёзилган усулга оид асарларда Самарқанд мактабининг қарашлари ва уларнинг Ироқ мактабидан фарқли жиҳатлари хусусидаги маълумотлар учрайди. Жумладан, Абдулазиз Бухорий ўзининг усулга оид машҳур «Кашф ал-асрор» («Сирларни очиш») асарида «Усул олимлари иллатни хос бўлиши хусусида ихтилоф қилишган. Қози Абу Зайд Дабусий, Абул Ҳасан Кархий, Абу Бакр Розий ва кўпгина ироқлик асҳобларимиз иллатни хослаш мумкин эканини айтишган бўлса, диёримиз фақиҳлари эса аввалда ҳам ҳозирда ҳам ундай бўлиши жоиз эмас деб ҳисоблайдилар» дейди (57 :1997, (البخاري). Яна бир асар «Тайсир ат-Таҳрир» (Таҳрир асарини осонлаштириш)да «Фақиҳларнинг жумҳури, жумладан, Самарқанд фақиҳлари иллат асл матнга чекланиши мумкинлини айтишган» дейилади, (بادشاه, 5 :9991).

XII аср, хусусан, VII/XIII асрдан бошлаб усул борасида ислом тафаккуридаги назарий соҳалар учун умумий илмий тил сифатида ривожланган фалсафа-мантиқ тилини асос қилиб олиш тенденцияси кенг тарқалди. Ушбу даврда усул ал-фикҳ илмидаги икки йўналиш асосларини бирлаштириш ва уларни интеграциялашуви натижасида «(طريقة المتأخرين» (мутааххирлар йўналиши) ёки «(طريقة المحققين» (муҳаққиқлар йўналиши) деб номланган янги ёндашув юзага келди. Ушбу йўналишга оид асарлар муаллифи қаторида тўрт мазҳаб вакиллари ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Музаффаруддин Ибн Соатий (ваф. 694/1295)нинг «Бади аннизом» («Тизимга солишнинг гўзал намунаси»), Садруш-шариа Бухорий (ваф. 747/1346 й.)нинг «ат-Танких» («Текширилган») ва шарҳи «ат-Тавзеҳ» («Очиқланган»), Тожуддин Субкий Шофиъий (ваф. 771/1369 й.)нинг «Жамъ алжавомий» («Кенг қамровли мажмуа»), Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 792/1390 й.)нинг «атТалвих» («Ишора қилинган маънолар»), Камолиддин ибн Ҳумом (ваф. 861/1457 й.)нинг «атТаҳрир» («Текширилган»), Муҳиббуддин ибн Абдушшакур (ваф. 1113/1701 й.)нинг «Мусаллам ассубут» («Мақбул далиллар») асарлари ушбу йўналишда ёзилган муҳим манбалардир (محمد امين, 74 :4002).

Муҳаққиқлар йўналиши асосчиси Музаффаруддин Ибн Соатий (ваф. 694/1295) икки йўналиш китобларини мазмунан бирлаштириш ғоясини устози Абул Баракот Насафийдан олган бўлиб, Насафий «ал-Манор» («Машъала») асарида Паздавий ва Сарахсийнинг «Усул» асарларини бирлаштирган эди (Gaybullaeв., 2022: 1061). Аммо ушбу икки асар бир ёндашув, яъни «фақиҳлар йўналиш»ига мансуб бўлиб, Ибн Соатий устозининг ғоясини ривожлантирди ва усул ал-фикҳдаги турли йўналиш асосларини бирлаштириш услубига асос солди. Унинг «Бади аннизом байна усул ал-Баздавий ва-л-Иҳком» («Усул ал-Баздавий ва Иҳком тизимга солишдаги гўзал намуна») асарида фақиҳлар усулига оид «Усул ал-Паздавий» ва мутакаллимлар усулига оид «ал-Иҳком» асарлари мазмуни жамланган (41 :8991 , الساعتي.). Насафий ҳам ўз навбатида Бурҳониддин Марғиноний (1123-1197) қилган ҳолат, яъни унинг имом Муҳаммаднинг «ал-Жомий ас-сағир» («Кичик тўплам») ва Қудурийнинг «ал-Мухтасар» («Қисқартма тўплам») асарларини «Бидоят ал-мубтадий» («Бошланғичлар учун қўлланма») асарида жамлаганини намуна қилган, дейиш мумкин.

ТАҲЛИЛ

Муҳаққиқлар ўз асарлари орқали мутакаллимлар ва фақиҳлар эришган натижалар мазмунан бирига яқин, моҳиятан ўзаро ҳамоханг экани, ёндашув ва тушунишнинг турлилиги сабаб орада тафовут ва ихтилоф пайдо бўлганини кўрсатиб берганлар. Бунда улар усул қоидаларини текшириш ва далиллаш, сўнг фуру ал-фикҳга татбиқ қилишга катта аҳамият қаратганлар. Бу эса ҳар иккала йўналиш олимларини бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этишга ундади. Замонавий тадқиқотларда ҳам мазкур методга катта аҳамият қаратилади (علي يراقال، 2006: 45).

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мусо Шотибий (ваф. 1388 й.) асос солган «Шариат мақсадлари» тамойили айрим тадқиқотчилар наздида усул ал-фикҳдаги тўртинчи йўналиш ҳисобланса-да, шариат ҳуқуқи назарияларини тўлиқ ўзида жамлаган тўлақонли йўналиш сифатида қайд этилмайди. Балки шаръий қонунларнинг ҳар бири тағ замирида Аллоҳ таоло кўзлаган бир эзгу мақсад ётади, деган тамойил сифатида “ҳуқуқ фалсафаси”ига катта эътибор қаратилган. Шаръий ҳукмларни жорий қилинишида инсонларга бирор манфаат келиши ёки уларни бирор зарардан ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

Имому-л-Ҳарамайн Жувайний (ваф 1086 й.) «ал-Бурҳон» («Хужжат»), Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф 1112

й.) «ал-Мустасфо» («Танланган»), Иззуддин ибн Абдуссалом (ваф 1242 й.) «Қоваид ал-қубро» («Катта қоидалар») ва «Қоваид ас-суғро» («Кичик қоидалар») асарларида биринчилардан бўлиб «шариат мақсадлари»га оид алоҳида мавзулар ажратган бўлсалар, Абу Исҳоқ Иброҳим Шотибий (ваф. 1388 й.) «ал-Мувофақот фи усул ал-фикҳ» («Усул ал-фикҳга оид маълумотларни мувофиқлаштириш») асарида мазкур тамойил мазмун-моҳияти, далиллари, жамиятдаги аҳамияти, умумий асослари ва шартларини тўлиқ ёритиб бергани учун ушбу йўналиш асосчиси сифатида эътироф қилинган. Масалага Шотибийнинг алоҳида эътибор берганига сабаб у моликий мазҳабига мансуб бўлиб, мазҳабнинг шаръий манбаларидан бири «масолиҳ ал-мурсала (қўйиб берилган манфаатлар)»дир ва унинг асоси эса «шариат мақсадлари» тамойилига суянади (Заътарий., 1998: 18).

ХУЛОСА

Усул ал-фикҳ фани шаръий матнларни тушуниш ва назарий тафаккурга таянган илм бўлиб, унинг илдизлари рисолат даврига бориб тақалади. Саҳоба ва тобеъинларнинг шаръий матнлардан амалий-ҳуқуқий ҳукмлар, қонунлар ишлаб чиқиш услублари ҳижрий иккинчи асрга келиб тўрт мазҳаб имомлари томонидан тартибга солинди, тизим сифатида ривожлантирилди ва китоб шаклида жамланиб, жамиятга тақдим этилди. Жумладан, Имом Шофиъий шаръий қонунлар ишлаб чиқиш тизимини илк бор “ар-Рисола” асарида жамлаган. Бундан фарқли равишда Ироқ ҳанафийлик ҳуқуқи асосчиларидан илмий мерос сифатида амалий-ҳуқуққа оид асарларгина қолгани сабаб, мазҳаб усули мазҳаббошилар асарларида зикр этилган фатволар асосида ишлаб чиқилди. Ҳар иккала йўналиш ҳам муштарак тарзда ҳижрий V (XI) асргача такомиллашиб борди ва уларнинг асосий фундаментал адабиётлари ҳам мазкур даврда ёзилди. Бу билан усул илмида имом Шофиъий тартибга солган назарий қоидалар билан шуғулланувчи «Шофиъийлик йўналиш»и ва амалий масалалардан назарий қоидалар ишлаб чиқувчи «ҳанафийлик йўналиш»и юзага келди. Шофиъийлик йўналиши кейинчалик калом илми вакиллари томонидан ривожлантирилгани учун «мутакаллимлар йўналиши», ҳанафийлик усулида асосан фақиҳлар шуғуллангани сабаб «фақиҳлар йўналиши» номини олдилар.

XIII асрда назарий соҳалар учун фалсафа-мантик асосларини умумий мезон сифатида қўлланиши усул ал-фикҳдаги йўналишлар яқинлашуви ва

интеграциялашуви натижасида янги бир ёндашув «муҳаққиқлар йўналиши» юзага келди. Йўналиш асосчиси Музаффаруддин Ибн Соатий асарини мутакаллим ва фақиҳлар йўналишидан биттадан энг асосий асарларини асос қилиб олиб, ўзининг «Бадиъу-н-низом» асарини ёзди. Унда ҳар иккала йўналишнинг афзал томонларини мавжудлиги ҳамда улар ўртасида маълум даражада ҳамоханглик борлигини асослаб берди.

Абу Мансур Мотуридидан бошлаб Самарқандий ва Ломишийлар даврида маълум даражада тўлиқ шаклланган «фақиҳлар йўналиши»даги Самарқанд мактаби амалий ҳуқуқдан кўра назарий қоидаларга кўпроқ аҳамият бериши билан Ироқ мактабидан ажралиб турса-да, мустақил йўналиш ҳисобланмайди. Бироқ, Самарқанд мактаби мукамал назарий қоидаларни ишлаб чиққан бўлиб, улар билан ҳанафийлик усули мустаҳкамланган. Абу Исҳоқ Шотибий томонидан ишлаб чиқилган «шариат мақсадлари» тамойили ҳам усул илмидаги мустақил ҳуқуқий тизим бўлмаса-да, шариат ҳуқуқида ҳуқуқ фалсафаси ривожланишига катта таъсир қилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. as-Sadr, M. B. (2005). Islamic jurisprudence. London: Oneworld publication.
2. Bardako'g'li, A. (2019). Hanafi mezhebi. Samsun: Ondokuz Mayıs Üniversitesi.
3. Baxtiar, L. (2005). Encyclopedia of Islamic law. Chicago: ABC international group.
4. GANIYEV, A. THE ROLE OF CRAFTSMANSHIP AND CALLIGRAPHY IN ISLAMIC ART. THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука, (5), 888-891. https://www.researchgate.net/publication/360972586/The_role_of_craftsmanship_and_calligraphy_in_Islamic_art
5. Gaybullayev, S. (2022). Historiography of the study of Fakhru-Islam Pazdavi's scientific legacy. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1060-1063. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.86>
6. Kof, I. (2012). Usul al-fikh. Istanbul: Diyanet ishlari vakfi.
7. Makdisi, G. (2004). Religion, Law and Learning in classical islam. London: Oneworld publication.
8. Mukhamedov, Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/1_P.4-15
9. OYBEKOVICH, G. A. THE ROLE OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS IN ISLAMIC CIVILIZATION. The Light of Islam. Issue 3, https://www.researchgate.net/publication/366466411_THE_ROLE_OF_CENTRAL_ASIAN_SCHOLARS_IN_ISLAMIC_CIVILIZATION_Tarih_va_civilizacia_The_Light_of_Islam_3-son_2022_jil_GANIYEV_AVAZBEK_OYBEKOVICH

10. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhru islam al-pazdavi's" usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143>
11. Абулхож, С. М. (2017). ал-Мадхал ал-муфасссал ила фикхил-ханафий. Иордания: Дор ал-фатх.
12. аш-Шофий, М. и. (1940). ар-Рисола. Қоҳира: Матбааи Мустафо Ҳалаби ва авладуҳ.
13. Ғаззолий, А. Ҳ. (2009). Ат-Таърифот. ар-Риёд: Дор ал-михён.
14. Журжоний, С. Ш. (1983). Таърифот. Искандария: Марказ ал-худа лид-дирасат.
15. Зайдон, А. (1996). Ал-Важийз фи усулил-фикх. Байрут: Мактабат-рисала.
16. Зарко, М. А. (2004). Ал-Мадхал ал-фикхий ал-ом. Дамашк: Дор ал-калам.
17. Заътарий, А. (1998). Қироа фи илм мақосид аш-шариа. ар-Риёд: Мактаба ихя ат-турос ал-илмий.
18. Зухайлий, Д. В. (1999). Ал-Важиз фи усул ал-фикх. Дамашк: Дор ал-фикр.
19. Иброҳим, М. (2015). Усулул фикх фи насижих ал-жадид. Мадина: Мактаба дор аз-замон.
20. Исмоил, Б. М. (1989). Ал-Жомий ас-саҳиҳ. Байрут: Мактабатул-асрия.
21. К.Брокелман. (1989). Тарихул адаб ал-араби (Т. VI). (Д. А. Наҷжор, Перев.) Қоҳира, 289: Дор ал-Маъориф.
22. Мақдисий, И. Қ. (1998). Равзат ан-нозир ва жанна ал-мунозир. Байрут: Муассаса ар-райён.
23. Таҳонавий, А. М. (1996). Қашшоф истилоҳот ал-фуун вал-улум. Байрут: Мактаба ан-ноширун.
24. Хузарий, М. (1988). Тарих атташрийъ алисломий. Байрут: Дор ал-фикр.
25. Ҳайдар, А. (2003). Дурар ал-ҳуккам шарҳу Мажаллату-л-аҳкам. ар-Риёд: Дор оламул кутуб.
26. Шоший, Н. А. (2003). Усул аш-Шоший. Байрут: Дор ал-кутиб ал-илмия.
27. بيروت, 57: دار. البخاري, ع. ا. (1997). كشف الاسرار. الكتب العلمية.
28. الزهيلي, و. (1986). اصول الفقه الاسلامي. دمشق: دار الفكر.
29. الساعتي, م. ا. (1998). بديع النظام. مكة: جامعة ام القرى.
30. السلطان, ع. ب. (2006). شرح المنار. بيروت: دار الصدر.
31. السمرقندي, ع. ا. (1984). ميزان الاصول. الدوحة: مطبعة المركزي.
32. اللامشي, م. (1995). اصول الفقه. بيروت, 15: دار الغرب الاسلامي.
33. بيروت: دار الكتب العلمية. (4) ت. بادشاه, م. ا. (1999). تفسير التحرير.
34. محمد, م. ا. (2004). مذكرات في اصول الفقه. دمشق: دار العلوم والحكم.

REFERENCES:

1. as-Sadr, M. B. (2005). Islamic jurisprudence. London: Oneworld publication.
2. Bardako'g'li, A. (2019). Hanafi mezhebi. Samsun: Ondokuz Mayıs Üniversitesi.

3. Baxtiar, L. (2005). Encyclopedia of Islamic law. Chicago: ABC international group.
4. GANIYEV, A. THE ROLE OF CRAFTSMANSHIP AND CALLIGRAPHY IN ISLAMIC ART. THEORETICAL & APPLIED SCIENCE: scientific and practical journal, (5), 888-891. https://www.researchgate.net/publication/360972586_The_role_of_craftsmanship_and_calligraphy_in_Islamic_art
5. Gaybullayev, S. (2022). Historiography of the study of Fakhrul-Islam Pazdavi's scientific legacy. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1060-1063. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.86>
6. Kof, I. (2012). Usul al-fikh. Istanbul: Ministry of Diyanet.
7. Makdisi, G. (2004). Religion, Law and Learning in classical islam. London: Oneworld publication.
8. Mukhamedov, Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: https://uzjournals.edu.uz/jiau/vol2020/iss3/1_P.4-15
9. OYBEKOVICH, G. A. THE ROLE OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS IN ISLAMIC CIVILIZATION. The Light of Islam. Issue 3, https://www.researchgate.net/publication/366466411_THE_ROLE_OF_CENTRAL_ASIAN_SCHOLARS_IN_ISLAMIC_CIVILIZATION_Tarih_va_civilizacia_The_Light_of_Islam_3-son_2022_jil_GANIYEV_AVAZBEK_OYBEKOVICH
10. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhrul islam al-pazdavi's" usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143>
11. Abulhoj, S. M. (2017). al-Madhal al-mufasssal ila fiqhil-hanafi. Jordan: Dor al-fath.
12. ash-Shofi'iy, M. i. (1940). ar-Risola. Cair: Matba'a Mustafu Halabi va avladuh.
13. G'azzoliy, A. H. (2009). At-Ta'rifot. Riyadh: Dar al-mihyon.
14. Jurjoni, S. Sh. (1983). Ta'rifot. Iskandaria: Markaz al-huda lid-dirasat.
15. Zaydon, A. (1996). Al-Vajiz fi usulil-fiqh. Beirut: Maktabat-risala.
16. Zarqo, M. A. (2004). Al-Madhal al-fiqhiy al-om. Damascus: Dar al-qalam.
17. Za'tariy, A. (1998). Qiroa fi ilm maqosid ash-sharia. Riyadh: Maktaba ihya at-turos al-ilmiy.
18. Zuhayliy, D. V. (1999). Al-Vajiz fi usul al-fiqh. Damascus: Dar al-fikr.
19. Ibrohim, M. (2015). Usulul fiqh fi nasijih al-jadid. Medina: Maktaba dor az-zamon.
20. Ismoil, B. M. (1989). Al-Jomi' as-sahih. Beirut: Maktabatul-asriya.
21. K. Brokelman. (1989). Tarixul adab al-arabi (T. VI). (D. A. Najjor, Perv.) Cair, 289: Dor al-Ma'orif.
22. Maqdisiy, I. Q. (1998). Ravzat an-nozir va janna al-munozir. Beirut: Muassasa ar-rayyon.
23. Tahonaviy, A. M. (1996). Kashshof istilohot al-fuun val-ulum. Beirut: Maktaba an-noshirun.
24. Xuzariy, M. (1988). Tarix at-tashriy' al-islomiy. Beirut: Dar al-fikr.
25. Haydar, A. (2003). Durar al-hukkam sharhu Majallatu-l-ahkam. Riyadh: Dor olamul kutub.
26. Shoshiy, N. A. (2003). Usul ash-Shoshiy. Beirut: Dar al-kutib al-ilmiya.
27. Abdulaziz Bukhari. (1997). Kashf al-asrar. Beirut: Dar al-kutib al-ilmiya.
28. Vahba Zuhayli. (1986). Usul al-fiqh al-Islami. Damascus: Dar al-fikr.
29. Ibn as-Saati. (1998). Badi an-nizom. Beirut: Mekka: Ummul Quro university.
30. Ali ibn Sultan. (2006). Sharh al-Manar. Beirut: Dar as-sadr.
31. Alauddin as-Samarkandi. (1984). Mizan al-Usul. Doha: Matbaa al-markazi.
32. Alauddin al-Lamishi. (1995). Usul al-fiqh. Beirut: Dar al-garb.
33. Amir Padshah. (1999). Taysir at-tahrir. Beirut: Dor al-kutib al-ilmiya.
34. Amir Muhammad. (2004). Muzakkarat fi usul al-fiqh. Damascus: Dar al-ulum.